

2003-4

Шахс асоссиз равишда фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбдор деб топилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши тугатилган

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2002 йил 14 ноябрдаги ҳукмига асосан У. ЖК 168-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига судланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 2-моддасига асосан жазони ўташдан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра У. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

У. 1998 йил июль ойида фуқаро Э. ни алдаб ва ишончини суиистеъмол қилиб, ўзига тегишли бўлган хонадонни унга сотишни ваъда қилиб, Э. ва унинг оила аъзоларини ушбу уйга яшаш учун киритиб, ундан уй учун жами 280.000 сўм пул олган. Э. уйга кириб, уни таъмирлаб, яшай бошлагач, У. нарх-наво кўтарилиб кетганлигини ва бошқа сабабларни рўқач қилиб, уйни қонуний расмийлаштириб бериш учун Э.дан яна 1000 АҚШ доллари талаб қилган. Бироқ рад жавоби олгандан сўнг У. 2001 йил 16 август куни Э. яшаб турган хонадонга кириб олиб, Э.ни оила аъзолари билан уйдан чиқиб кетишга мажбур қилган ва унинг кўп миқдордаги мулкый ҳуқуқини қўлга киритган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2003 йил 20 мартдаги ажрими билан У.га нисбатан чиқарилган ҳукм бекор қилиниб, жиноят иши унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

Шу вилоят суди раёсатининг 2003 йил 30 июндаги қарори билан суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юбориш ҳақидаги прокурор протести рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари томонидан келтирилган протестда У.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юбориш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантормасдан қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг диспозициясида фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят иши юзасидан аниқланган ҳолатларга кўра, 1998 йил июнь ойида У. ўзига тегишли хонадонни Э.га 280.000 сўмга сотиш ҳақида у билан ўзаро келишган. Э. шу ҳисобдан У.га 80.000 сўм пул бериб, қолган 200.000 сўм пулни 1998 йилнинг охиригача беришга ваъда қилиб, уйга кўчиб кирган. Бироқ Э. қолган пулни белгиланган муддатгача бермаган. Уйларнинг нархлари ортиб кетганлиги ва Э. ўз вақтида келишилган пулни тўлиқ бермаганлиги сабабли У. келишув шартларини ўзгартириб, уй учун илгаригидан кўпроқ маблағ беришни талаб қилган. Шу сабабли улар ўртасида мулкий низо келиб чиққан ва У. ўз уйига қайтиб кириб олган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги Пленум қарорининг 13-бандида, ўзганинг мулкани текинга қўлга киритиш мақсади бўлмаган шахснинг ҳаракатини фирибгарлик деб баҳолаб бўлмаслиги тушунтирилган.

Ушбу жиноят иши бўйича У.да алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсади умуман бўлмаган.

Шу билан бирга низоли хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда Э.га ўтмаган.

У. ва Э. ўртасида юзага келган мулкый низо фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга доир бўлиб, У.нинг ҳаракатларида жиноят учун хос бўлган ижтимоий хавfli хусусият мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, вилоят суди раёсатининг кассация инстанцияси суди жиноят ишини ЖПК 83-моддасининг 2-қисми асосида тўғри тугатган деган хулосаси билан келишган.

03-517-03-сонли ажрим